
Ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун имтиёзли кредитлар ажратилади

“Ҳунармандчилик фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори (ПҚ-77-сон, 30.12.2021 й.) қабул қилинди

Қарорга кўра:

- 2022 йилда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида ажратилаётган маблағларнинг **500 миллиард сўми** ҳунармандчилик лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилади;
- имтиёзли кредитлар ҳунармандчилик лойиҳаларини амалга ошириш учун **6 ойгача имтиёзли давр билан 225 миллион сўмгача** оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида кўзда тутилган шартларда ажратилади;
- имтиёзли кредитлар ҳунарманднинг талаби бўйича **нақд пул олиш имконияти билан** такдим этилади;
- имтиёзли кредит ажратиш бўйича **“oilakredit.uz” электрон платформасида** ҳунармандларни онлайн навбатга қўйиш ва уларнинг лойиҳаларини кредитлаш учун алоҳида бўлим ишга туширилади.

2022 йилдан бошлаб:

- **“уста-шогирд” анъаналари асосида ёшларга ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга** – шогирдлар тайёрлаши, зарур хомашё сотиб олиши ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаши учун **6 ой давомида ҳар ойда БҲМнинг 2 бараваридан** кам бўлмаган миқдорда;
- **шогирдларга** – мустақил фаолиятини бошлаши учун зарур асбоб-ускуна ва жиҳозларни сотиб олиши, шунингдек, **усталарга** – интернет сайтларини ташкил этиш, ўз маҳсулотларини жаҳон электрон савдо майдончаларига чиқариш ва реклама харажатларининг 50 фоизи, бироқ **БҲМнинг 25 баравари миқдоридан ошмайдиган қисмига** субсидиялар ажратиш тартиби жорий этилади.

Бунда, субсидия ажратиладиган ҳунармандлар ва шогирдлар ҳисоби **“Ҳунарманд” уюшмаси томонидан** юритилиб, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг **“Онлайн маҳалла” электрон платформаси** билан интеграция қилинади.

Шунингдек, **2022 йилдан** “Ҳунарманд” уюшмаси аъзолари учун фаолият юритиш жойидан қатъи назар, коммунал инфратузилма хизматлари ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

2022-01-10 21:04:39